

# Ҳаж ва умранинг бажарилиши

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Аллома Мұхаммад ибн Солих Усаймин*

**Таржимон:** Абү Жаъфар ал-Бухорий

**Нашрга тайёрловчи:** Абү Абдуллоҳ Шоший

2013 - 1434

IslamHouse.com

# ﴿بيان صفة الحج والعمرة﴾

«باللغة الأوزبكية»

الشيخ محمد بن صالح العثيمين

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

## **Биринчи хутба**

*Ассалому алайкум*

Оллоҳга ҳамдлар бўлсин. Биз Оллоҳга ҳамдлар, истиғфорлар айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ҳамда Унгагина тавба қилиб, Оллоҳдан нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоятловчи Зот йўқдир. Мен: «Ягона ва Шериги бўлмаган Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Оллоҳнинг қули ва Расули эканига, пайғомни етказган, омонатни адо этган, Умматга насиҳат қилган ва Оллоҳ йўлида жиҳод қилган эканига» гувоҳлик бераман. Оллоҳ Унга, Унинг оиласига, саҳобаларига ва уларга яхшилик билан издош бўлганларга салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Хой одамлар, Оллоҳдан тақво қилинглар!

Хой Оллоҳнинг бандалари, энг ростгўй Оллоҳ  
Ўз Китобида шундай деган:

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва үлар Мени таомлантиришини истамасман. Зоро Оллоҳнинг Ўзигина (барча халойиқقا) ризқу рўз бергувчи, куч-қувват соҳиби ва қудратлидир».** (Зорийт: 56-58).

Хой одамлар, сизлар Оллоҳга ибодат қилиш учун яратилгансизлар! Оллоҳга ибодат қилиш эса, икки муҳим асосга асосланган.

### **Биринчиси: Оллоҳга сифинишда Оллоҳга ихлос қилиш**

Оллоҳга бирон кимсани шерик қилган одамнинг ибодати, қабул қилинмайди. Чунки Оллоҳ таоло шундай деган:

**«Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани**

(унга) **шерик қилмасин!** (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Оллоҳ учун қилсин)». (Каҳф: 11).

Абу Ҳурайра разияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан қуйидаги ҳадис қудсийни ривоят қилди: «*Оллоҳ таоло айтди: «Мен шерикларни ширк қилишдан беҳожатман. Менга бошқани шерик қилиб бирон амални қилган кишини ширки билан ташлаб қўяман».* (Имом Мұслим, 5300).

Хой одамлар, сизлар шу қунларда Оллоҳнинг Ҳаром Уйига ҳаж қилишни қасд қилмоқдасизлар. Сизлар бу буюк рукнни ибодатнинг мухим асоси – Оллоҳга ихлос қилиш билан рӯёбга чиқаришингиз керак. Шунинг учун ҳаж ва бошқа ибодатларда Оллоҳга бошқаларни шерик қилмангиз! Бирор кўрсин, бирор эшитсин ёки ёзилиб келиш учун ҳаж қилмангиз! Ҳажни Оллоҳнинг анъаналарини улуғлаб, Оллоҳ учун қилингиз!

Иккинчи асосий рукн эса, ҳажи давомида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан **ўрнак олишдир.**

Сизлар бу ибодатни, Оллоҳнинг шариатига мувофиқ адо этиш учун, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган амалларни қилингиз ва Оллоҳ ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаган нарсалардан сақланингиз. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

**«Ҳолбуки улар фақат ягона Оллоҳга, у зот учун динни холис қилган Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир».** (Байина: 5).

Банда ибодатида ҳаниф бўлиб, Оллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариатлаб қўйган худуддан тажовуз қилиб ўтмаслиги керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам: «Ким бизнинг ишимиз бўлмаган амални қилса, у амал (ўзига) қайтарилгандир», – деганлари ривоят қилинган. (Ибн Можа (2892). Оиша разияллоҳу анҳо ривояти. Имом Аҳмад (24158)).

Иккинчи руҳн – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Оллоҳ ва Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам амр қилган амалларни қилиш, таъқиқлаган нарсалардан сақланиш билан эргашингиз! Чунки Оллоҳ таоло ўз ҳикмати ва раҳмати билан фарзларни жорий қилиб, худудларни қўйди. Оллоҳнинг сизларга фарз қилган ибодатларидан бири – Оллоҳнинг анъаналари ва ҳаромларини ҳурмат қилинглар! Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

**«(Иш) шудир. Ким Оллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлур».** (Ҳаж: 32);

**«Ким Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат (риоя) қилса, бас бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир».** (Ҳаж: 30).

Огоҳ бўлингки, ҳаж ва умра ибодатлари Оллоҳнинг анъаналаридандир! Оллоҳ таоло:

**«Сафо ва Марва Оллоҳнинг анъаналаридандир»,** – деди (Бақара: 158). Шунинг учун ҳам, бу анъаналарни улуғланглар. Чунки улар буюк ибодат бўлиб, Оллоҳ йўлидаги жиҳод туридандир.

Оиша разияллоху анҳо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан: «Хотин-қизлар ҳам жиҳод қилса бўладими?» – деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унга жавобан: «Улар учун жангги бўлмаган жиҳод: ҳаж ва умра бордир», – дедилар. (Имом Бухорий (1688). Каъб ибн Ужра разияллоху анҳу ривояти).

Ушбу анъаналарни Оллоҳ таоло сизларга фарз қилган амалларни қилиш ва Оллоҳ ҳаром қилган нарсалардан йироқ бўлиш билан улуғланглар. Доимо рўпарангизда Оллоҳ таолонинг ушбу оятлари бўлсин:

**«Ҳаж (мавсуми) маълум ойлардир.** (Яъни Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжа ойининг ўн куни). **Бас,** ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта **Оллоҳ билади.** Ва (ҳаж қилиш учун йўлга тушишдан аввал зарур озуқа билан) **таъминланиб олинг!** Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) **Оллоҳдан қўрқишдир.** **Мендан қўрқингиз, эй аҳли донишлар!**» (Бақара: 197).

Оллоҳ таоло сизларга фарз қилганидек, сув билан таҳорат олинглар, намозларни жамоат билан ўқинглар. Мусулмонларга самимий бўлиб, Оллоҳ ҳаром қилган ҳақоратлашнинг барча турига яқинлашманглар. Ёлғон, қаллоблик, хиёнат, ғийбат, чақимчилик, мусулмонларни масхаралаб устларидан қулиш, мусиқа ва ҳаром қилинган қўшиқларни тинглаш, ҳаром фильмларни томоша қилиш ва баданга зарари ҳамда бойликни совургани боис ҳаром қилинган сигарет чекишдан сақланингиз! Чунки сигарет чекиш, умра ва ҳажнинг тўқислигига птур етказади. Уни давомий чекиш эса фисқу фужур ҳисобланади.

Оллоҳ таоло эҳром сабабли ҳаром қилган ва уламолар тарафидан «эҳром таъқиқлари» деб аталган нарсалардан ўта эҳтиёт бўлингиз.

Эҳром боғлагач рафас – жинсий алоқа қилмангиз! Жинсий алоқанинг бирламчи ҳаракатлари: шаҳват билан ўпиш, қучоқлаш ва нигоҳ ташлашдан ҳам йироқ турингиз. Чунки, эҳром боғланган пайтда жинсий алоқа қилиш эҳромнинг энг қаттиқ таъқиқларидан бўлиб, ҳаж асносида эҳромдан тўла чиқмай туриб хотини

билинг қовушган одамнинг бу қилмиши туфайли биринчи: гуноҳ қилган, иккинчи: ҳажи бузилган, учинчи: ўшандай кетади, тўртинчи: келгуси йили шу ҳажининг қазосини қилиши, бешинчи: Маккада ёки Минода ёхуд жинсий алоқа қилган жойида қашшоқ ва бечора одамларга тую сўйиб фидя – садақа қилиши керак бўлади.

Хой мусулмонлар, эҳромни боғлагач соchlaringizni olmangiz! Чунки Olloҳ taolo:

**«Ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (sochlaringizni) қирманг!»** (Baқara: 196), деган. Уламолар тананинг бошқа тукларини ҳам сочнинг ҳукмига илова қилдилар. Тирноқ олишни сочни олиш ҳукмига қиёслаб: «Эҳром боғлаган одамнинг сочи ва тирноғини олиши жоиз эмас. Бироқ тирноғи синиб оғриқ берса, ундан оғриқни йўқотадиган даражада олиши мумкин», – дедилар.

Сочини бирон узр ёки узрсиз олдирган одам, Olloҳ taoloniнг қуйидаги оятига биноан, фидя – эваз беради:

**«Агар сизлардан (ҳожилардан) кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса** (шу узр билан иҳромда турган ҳолида сочини қирдирса), **у ҳолда** (уч кун) **рўза тутиш ёки** (олти мискинга) **садақа бериш ёхуд** (бир қўй) **сўйиш билан эваз тўласин!»** (Бақара: 196).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рўза – уч кун, садақа – олти мискинни тўйдираш ва уларнинг ҳар бирига ярим соъ таом бериш, нусук эса бир қўйни бўғизлаш», эканини баён қилдилар. (Имом Бухорий (1688). Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳу ривояти).

Овни ўлдиришдан сақланинглар! Чунки Оллоҳ таоло шундай деган:

**«Эй мўминлар, иҳромда бўлган чоғингизда бирон овни ўлдирманг!»** (Моида: 95).

Овнинг кабутар каби қуш, кийик ва қуён каби ҳайвон бўлишининг фарқи йўқ. Овни қасддан ўлдирган одамга жарима тўлаши билан бирга, гуноҳ ҳам бўлади. Унинг жаримаси ўша ов каби тую ёки мол ёхуд қўйни сўйиб, Макка ва Минода қашшоқларга садақа қилиб бериши, ёда унинг нархига эваз пул бериб, унга ҳар куни Макка ёки

Минода қашшоқларни тўйдириши: ҳар бир қашшоқ учун чорак соъ буғдой ёки ярим соъ бошқа дон маҳсулотлари бериши, ёхуд, ҳар бир қашшоқни тўйдириш эвазига бир кун рўза тутиши лозим бўлади.

Дараҳтларни кесишга келсак, эҳром боғлаган ёки боғламаган одамнинг Ҳарам ҳудудидан бошқа жойларда дараҳт кесишларининг зарари йўқ. Аммо, Ҳарам ҳудудлари ичида, масалан, Мино, Муздалифа ва Ҳарам ичидаги бошқа жойларда, ўзи эккан дараҳтдан бошқасини кесиши мумкин эмас. Ҳожиларнинг, пайҳон қилиш мақсади бўлмай, Мино ва Муздалифада ердаги ўсимликлар устига палос ёзишлари жоиздир.

Хой мусулмонлар, эҳромлик ҳолатингизда никоҳ қилиш ва хотин-қизларга совчи қўйишдан сақланингиз! Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Эҳромдаги одам никоҳ қилмайди, никоҳ қилинмайди ва совчи қўймайди», – деб айтган саҳиҳ ҳадислари ривоят қилинганд. (Имом Муслим (2522). Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу ривояти).

Демак, эхромдаги одам эркак ёки хотин бўлишидан қатъий назар, турмуш қурмайди, биронни никоҳ қилмайди ва биронга совчи қўймайди.

Эхром боғлагач, ёғли ёки тутунли бўлсин, хушбўй нарсадан узоқ туринг! Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Заъфарон теккан кийимни кийманглар!» – дедилар. (Имом Бухорий (1442); Имом Муслим (1012). Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривояти).

Арафотда эхромлик ҳолатида ўлган киши ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни сув ва сидр бутаси билан ювиб, икки кийимда кафанланглар. Бироқ бошини ўраманглар ва хушбўйламанглар. Чунки у, Қиёмат кунида талбия айтиб қайта тирилтирилади», – дедилар. (Имом Бухорий (1718); Имом Муслим (2092). Аббос разияллоҳу анҳу ривояти). Шунинг учун эхромдаги одам вафот этса, уни сув ва сидр бутаси билан ювилади, эхром кийимида кафанланади, боши ўралмайди ва хушбўйланмайди. Яъни, пахтага қуйилган атирни ювилган маййитнинг баданига сурilmайди. Эхромида вафот этган ушбу одам Қиёмат кунида

талбия айтиб: «Лаббайкаллоҳумма лаббайк!», – деб қайта тирилтирилади. Зеро Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганлари саҳиҳдир: «Шаҳид ўлган бўлса Қиёмат кунида қайта жон ато этилганида ярасидан қон оқиб туради: ранги қон рангида, бўйи эса мушк ҳидида бўлади». (Имом Бухорий (2593); Имом Муслим (3486); Имом Молик «Муваттоъ» (1873). Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти).

Мусулмонлар! Эҳромдаги одам атири қўйиши ёки тутатқилар ҳидидан бўйланиши ёхуд хушбўй нарсаларни таоми ёки ичимликлари ичига солиши ёда хушбўй совунларни ишлатиши мумкин эмас. Устига теккан ифлос нарсаларни кетказиш учун эса, ювениши жоиз. (Мийқотда) эҳром боғлашдан бир оз илгари хушбўйланиш суннат бўлиб, унинг асарларининг эҳром боғлагандан кейин қолишининг зарари йўқдир. Таҳорат қилаётган пайтда бошини (ўша атири теккан қўли билан) масҳ қиласа ҳам, зарари йўқ. Оиша разияллоҳу анҳо айтди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни эҳром боғлашларидан илгари эҳром учун хушбўйлардим. Ҳозир ҳам, эҳромлик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (бошларидаги)

*ёрмаларига сурилган мушкнинг ялтираб тургани, кўз ўнгимдан кетмайди». (Имом Муслим (2054); Абу Довуд (1484). Оиша разияллоҳу анҳо ривояти).*

Эҳромни боғлагач бошингизни кийилган ёки ёпишган салла, бош кийим, дўппи, оқ дўппи ёки бирон газмол парчаси билан одатдагидек ўраманг! Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромда ўлган киши ҳақида: «*Унинг бошини ўраманглар!*» – дедилар. (Имом Бухорий (1718); Имом Муслим (2092). Аббос разияллоҳу анҳу ривояти).

Аммо ўраш одати бўлмаган ва ёпинчиқ ўлароқ истеъмол қилинмаган елпифич ва бошга тегиб турмаган шамсия каби нарсаларнинг соясидан фойдаланса бўлаверади. Чунки бошга соя солиш эмас, бошни ўраш таъқиқланган. Умму Ҳусайн разияллоҳу анҳо айтди: «*Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Видолашув ҳажини қилган эдим. Кўзим Усома ва Билолларга тушди.* Улардан бири *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туясиининг тизгинидан ушлаган, иккинчиси эса кийимини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг устига соябон қилиб кўтариб олган эди.* *Расулуллоҳ*

*соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша ҳолатларида Ақаба тошларини отган эдилар*. (Имом Муслим (2288); Абу Довуд (1563); Имом Аҳмад (25998)).

Бошни ўраш таъқиқи, фақатгина, эркакларга хос. Хотин-қизларнинг эса бошларини ўрашлари жоиз бўлиб, юзларини номаҳрам эркаклар кўзи тушадиган пайтдагина ёпишлари зарур. Эҳромдаги хотин-қизларнинг чиммат тутишлари жоиз эмас. Эҳром пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаган лиbosларни кийиш ҳам мумкин эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромлик одамнинг либоси ҳақида берилган саволга: «(Эҳромдаги одам) кўйлак, салла, бурнус, иштон ва тўпиқли пояфзал киймайди» – деб жавоб бердилар ва: «*Ковуш топа олмаган одам, чормуқ кийсин! Лунги топа олмаган одам, иштон кийсин!*» – деб ҳам қўйғанлар. (Имом Бухорий (353); Имом Муслим (2013). Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривояти).

Либосларни кийиш эркакларгагина ҳаромдир. Эҳром боғлаган эркакнинг шу кийимларимиз ва буларга ўхшаган футболка, майка каби кийимларни кийиши, салла ўрамаслиги, оқ дўппи

каби бош кийимларни, бош билан бошқа узвларни ўраб турадиган кийимларни, тиззагача ёки тизза устигача тушадиган иштонларни, қўнжли пойафзаллар ва уларга қиёсан пайпокъларни кийиши ҳаромдир.

Кўл соати, узук, кўзойнак, эшитиш жиҳозларини тақишига, эҳтиёжи бўлса лунгисини боғлаб олиш ёки ридоси (эҳромнинг устки матоси)нинг (икки учини) бир-бирига боғлаб олишига монеълик йўқдир. Агар эҳтиёж бўлмаса лунги ва ридони боғламаслик ёки тўғноғич билан илиб олмаслик афзалдир. Чунки, ундан қилинган пайтда ридо кўйлакка ўхшаб қолади. Тикилган шиппакларни кийиб, камарларни тақса бўлаверади. Зоро, уларнинг тикилиши кийим бичимида эмасдир. Ҳаром қилинган нарса эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилган одатдаги кийимларни кийишдир.

Хотин-қизлар, эҳромдан илгари кийиш мубоҳ бўлган ҳар қандай кийимни кийишлари мумкин. Бироқ, улар пардоз қилмасликлари зарур. Чунки уларга тавоғ ва саъида эркакларнинг нигоҳи тушиши мумкин. (Ҳа), хотин-қизларнинг эҳром

учун маҳсус кийимлари йўқ. Улар хоҳлаган (мубоҳ) кийимларни кийишлари мумкин.

Эркак киши ва хотин-қизларнинг қўлқоп кийишлари ҳам ҳаромдир. Эркак ва хотин-қизлар эҳромларини бошқа эҳромга алиштиришлари мумкин. Уларни кир бўлгани, нажас теккани ёки бошқа ҳолатда бўлганлари учун алиштириш мумкин.

Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳ сизларга ҳаром қилган нарсалардан йироқ турингиз! Ҳажингизни қиласр экан, Оллоҳга итоат этингиз! Оллоҳнинг ҳаромларини улуғлангиз! Сизлар эҳромни боғлагандан бошлаб то эҳромдан чиққунча, йўқ, ҳажингизни тугатгунча, ибодат ичида эканингизни унутманг!

Хой мусулмонлар, Оллоҳдан тақво қилинглар ва Оллоҳ учун итоатли ва хушуъли бўлгунча шу туйғулар ичида бўлинглар!

Оллоҳим, барчамизни солиҳ амаллар қилишга муваффақ ва ёмон амаллардан эса йироқ қил! Бизни бепарволик ва лоқайдлиқдан асра! Бизга

Ўзинг учун ихлосли бўлиш ва пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга издош бўлишни насиб айла! Эй барча оламлар Робби, Сен Саховатли, фазлу марҳамати кенг бўлган Зотсан!

Барча оламлар Робби бўлган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Мен пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва барча саҳобаларига салвоту саломлар йўллайман!

## **Иккинчи хутба**

Оллоҳга ҳамдлар бўлсин. Мен Оллоҳга ҳамдлар, шукроналар, истиғфорлар айтиб, гуноҳларга мағфират сўрайман ҳамда ўзим ва сизлар учун Оллоҳнинг буюк марҳаматидан тилайман. Мен «Шериксиз, ягона Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Оллоҳнинг бандаси ва расули» эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳ Унга, Унинг саҳобалари ва уларга Қиёмат кунигача яхшилик билан издош бўлган барчага салавоту саломлар йўлласин.

Сўнг ...

Ҳожи биродарлар, ҳаж сафарида Оллоҳ таоло илм неъматини ато этган ва бошқалардан ажралиб турадиган обид ва хушуъли сара одамлар билан ҳамроҳ бўлингизки, улар ҳамроҳларига билмаганларини тушунтирадилар. Яхши одамлар билан ҳамроҳ бўлингиз! Чунки яхшиларга ҳамроҳ бўлиш – яхшидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай деганлар: «*Солиҳ суҳбатдошнинг мисоли мушк кўтариб юрган одамнинг мисолига ўхшайди. У мушкни сизга ё пулга сотади ёки бекорга беради, ёхуд, ундан ширин ҳидни*

*топасиз».* (Имом Бухорий (1508); Имом Муслим (4762). Абу Мусо разияллоху анху ривояти).

Вақтларини беҳуда ўтказадиган ва одамлар қилаётган ҳаж аҳкомларинингина биладиган, гёё одамларнинг ундаи деяётганларини эшитганим учун шундай дедим, одамларнинг бундай қилаётганларини кўрганим учун шундай қилдим, деб айтадиган жоҳиллар билан бирга ҳамроҳ бўймангиз! Билимли ва диндор одамларга ҳароҳ бўлингиз! Чунки уларга ҳамроҳ бўлиш яхшидир. Агар бу васфдаги инсонлар бўлмаса, уларни ҳам ўз ораларингизга олаверинглар. Шояд Оллоҳ таоло сизлар туфайли уни ҳам ҳидоят қилас. Чунки кўплаб одамлар ўта амалли бўлмайдилар ва боамал одамлар билан бирга бўлсалар улардан таъсирланиб, ҳидоятланадилар. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Оллоҳ сиз туфайли бир одамни ҳидоятлаши, сизнинг қизил юнгли туянгиз бўлишидан кўра яхшироқдир!*» – деганлар. (Имом Бухорий (2888); Имом Муслим (4420). Саҳл ибн Саъд разияллоху анху ривояти).

Оллоҳим, бизларни яхши одамларга йўлдош қил! Оллоҳим, бизларни яхши одамларга йўлдош

қил! Оллоҳим, эй улуғлик ва икромлар Эгаси, бизларни тақвадорлар сафида қил!

Билингларки, гапларнинг яхшироғи – Оллоҳнинг Китоби, ҳидоятларнинг яхшироғи – Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳидояти, ишларнинг ёмонроғи – (дин ниқоби остида) янги чиққанлари, дин ниқоби остида чиққан барча нарса – бидъат, барча бидъат – залолат ва барча залолат жаҳаннамга элтгувчиdir!

Жамоатдан айрилмангиз! Жамоатдан айрилмангиз! Мен бу сўзим билан масжидлардагина жамоат билан намоз ўқишингизни назарда тутмаяпман, балки, масжидларда ва бошқа жойлардаги барча ишларингизда Оллоҳнинг дини асосида бирлашингизни назарда тутаяпман. Чунки, Оллоҳнинг қўли жамоат узрадир. Жамоатдан айрилган эса, жаҳаннамда ўзи ёлғиз қолади.

Унутманларки, Оллоҳ таоло сизларни пайғамбарингизга салавоту саломлар айтишга буюрди:

*«Албатта Оллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга саловот ва саломлар айтинглар!»* (Аҳзоб: 56). Чунки пайғамбарингиз, бандалар ичида зиммангизда энг кўп ҳаққи бўлган Зотдир. Чунки Унинг қўлида ҳидоят топдингиз. У сизларга Роббингизнинг шариатини баён қилди ва насиҳат қилди.

Оллоҳим, банданг ва Расулинг Муҳаммад ибн Абдуллоҳга салавоту саломлар йўлла! Оллоҳим, банданг ва Расулинг Муҳаммад ибн Абдуллоҳга салавоту саломлар йўлла! Оллоҳим, банданг ва Расулинг Муҳаммад ибн Абдуллоҳга салавоту саломлар йўлла! Уни бизнинг номимиздан умматлари номидан тақдирлаганинг пайғамбарлар мукофотининг энг яхисини бер! Оллоҳим, бизга Уни суюш, Унга издош бўлиш, Унинг миллатида вафот этиш, қайта тирилгач Унинг сафида туриш, Ҳавзидан сув ичиш ва шафоатига лойиқ бўлишни насиб айла!

Оллоҳим, эй Оламлар Робби, бизни Ўзинг инъомлар ато этган пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ инсонлар ила Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қил! Оллоҳим, пайғамбарларнинг энг яхши издошлари бўлмиш хулафои рошидийлар: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий разияллоҳу анҳумлардан, барча саҳоблардан, саҳобаларга Қиёмат кунигача яхшилик билан эргашадиган барча издошлардан ва улар билан бирга биздан ҳам Ўзинг рози бўл! Эй оламлар Робби, уларнинг аҳволларини тузатганингдек, бизнинг аҳволларимизни ҳам тузат!

Оллоҳим, мусулмонларнинг раҳбарларини ислоҳ айла! Оллоҳим, мусулмонларнинг раҳбарларини ислоҳ айла! Оллоҳим, мусулмонларнинг раҳбарларини ислоҳ айла! Мусулмонлар ишига раҳбарлик қилаётган қайси бир раҳбар шариатингга риоя қилмаган ва бандаларингга самимий бўлмаган бўлса, уни яхшироқ бандангга алиштири ва уни ҳақиқат сари йўлла! Эй оламлар Робби, эй буюклик ва икром Соҳиби, мусулмонлар ишига шариатинг билан етакчилик қилаётган ва бандаларингга самимий бўлаётган раҳбарлар ишларида устивор қил ва уларга мадад бер!

Оллоҳим, эй оламлар Робби, мусулмонларга раҳбарлик қилаётганларнинг ички дунёларини ислоҳ айла ва уларни ёмон васвасалардан йироқ қил! Оллоҳим, эй оламлар Робби, мусулмонларга раҳбарлик қилаётганларнинг ички дунёларини ислоҳ айла ва уларни ёмон васвасалардан йироқ қил! Эй оламлар Робби бўлган Оллоҳим, раҳбарларнинг каттаю кичикларини ислоҳ айла!

Роббимиз, бизни ва биздан илгари иймон билан яшаб ўтган биродарларимизни мағфират қил! Қалбимизда мўъминларга қарши нафрат ва адсоват қўйма! Роббимиз, Сен – Мехрибон ва Раҳмлисан! Роббимиз, ҳидоятлаганингдан сўнгра қалбларимизни оздирма ва бизга Ўз тарафингдан раҳмат инъом эт! Дарҳақиқат, Сен – Инъом этгувчисан. Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни, ишларимиздаги исрофни мағфират қил ва пойимизни устивор қилиб, кофир қавмлар устидан зафар насиб эт!

Оллоҳнинг бандалари!

**«Албатта, Оллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга**

буюрур ҳамда бүзүқлик, ёмон ишлар ва зўравонниклардан қайтарур. У зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насиҳат қилур. Аҳд-паймон берган вақтларингизда, Оллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Оллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизни (Оллоҳ номини зикр этиш билан) мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз! Албатта, Оллоҳ қилаётган ишларингизни билур». (Наҳл: 90, 91).

Буюк ва Улуғ Оллоҳни ёдга олингки, У ҳам сизларни ёдга олади! Унинг неъматларига шукр қилингки, неъматларини мўл қиласди! Оллоҳни зикр қилиш (барча нарсадан) улуғроқ экани аниқдир. Ва Оллоҳ қилаётан ишларингизни билиб туради!